O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 10 март | 10 (183)- сон

**ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА**

«Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман. Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман».

**Ислом КАРИМОВ**

**«Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларидан**

Ғафур ҒУЛОМ

## *МУҲАББАТНОМА*

*Оташин ишқдан тўлиқдир доимо жомим менинг,*
*Соядек ёнимда ёндош дўстим — илҳомим менинг.*

*Шом қуёшин шуъласидан бу тўқилган тўр эмас,*
*Зар балиқлардан умидвор ташлаган домим менинг.*

*Бу ғазални ёдлаб олу гулни уз, чаккангга тақ,*
*Мингта ошиқ, мингта маъшуқаларга инъомим менинг.*

*Умрнинг тонгин, кун ўрта чоғини хўп куйладим,*
*Нурли мисраларни кутгай бахтли оқшомим менинг.*

*Юзга кирмак мўлжал олсанг, сабр қил юз йилгача,*
*Қирқ ўғил-қизга бибидир гул-гуландомим менинг.*

*Тошкент оқшомин ёзиш ният эди, хуллас калом,*
*Шеър ёзмоққа фаранг Ғафур Ғулом номим менинг.*

## СЕРГАК БЎЛАЙЛИК, ТАЛАБАЛАР, МУДАРРИСЛАР!

Кимё фани Шарқ мамлакатларида вужудга келиб, ривожланганлиги тарихга маълум. Унинг тадқиқотларини бошлаб берган Миср, Месопотамия, Мовароуннаҳр олимлари ўз кучларини инсонлар соғлиғини яхшилаш, оддий моддалардан мураккаб моддалар олиш ва мамлакатларни обод қилишга йўналтирдилар. Улуғ алломаларимиздан бўлмиш Ибн Синони америкалик фантаст ёзувчи А. Азимов энг улуғ алкимёгарлардан бўлганлигини қайд қилади. Минг йил олдин Индонезия оролларида ўсувчи қамиш таркибида бўлган табоширни нонга қўшиб жароҳатга боғлаганда беморларнинг синган қўл ёки оёқларининг тез битишида кремний ва калций бирикмаларининг роли борлигини билган ватандошимизнинг ақл-заковатига тан бермай бўладими, ахир. Фан ва техника ривожланиб, кимёгарлар турли портловчи моддалар, ўқ-дори ва бошқаларни яратишди. Булар уруш ва ёвузлик қуролларига айлантирилди. Вақти-ки келиб атом ва водород бомбалари ҳам юзага келди. Япон халқи бу даҳшатли қуроллар қурбони бўлганлигига гувоҳмиз. Биз кимёгарлар фанимиз ривожи, дунёга машҳур олимларимиз ва корхоналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо афсусу надоматлар бўлсинки, ҳеч қачон — ҳатто уруш даврида ҳам заминимизда портламаган кимёвий моддалар овози яқинда шаҳримизни, қолаверса, тинч аҳолини ларзага солди. Меҳнаткаш халқимиз ва унинг йўлбошловчиси Ислом ака Каримов олиб бораётган тинчлик сиёсатини кўра олмаган бир тўда газандалар аллакимларнингдир йўл-йўриқлари билан хоинона ишга қўл уришди. Ёмон ният доимо барбод бўлғусидир, — бу ота-боболаримиздан қолган улуғ фикр. Халқни тўғри йўлдан чалғитиш, бузғунчилик ва мамлакатни вайрон қилиш ниятида бўлган бу ғаламислар мана энди ўз жазоларини оладилар, халқимиз ва жаҳон афкор оммаси буни талаб қилмоқда. Бу мудҳиш воқеадан бизнинг институтимиз жамоаси ҳам қаттиқ ғазабланди, ёшларимиз эса ҳамон нафратларини билдириб турибдилар. Илмий кенгашларимизда, гуруҳ ва факултет жамоалари йиғилишларида «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 27 февралида босилган огоҳликка даъват сифатидаги «Феврал воқеалари» мақоласини ўқиб таҳлил қилмоқдалар, унга ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Уруш қатнашчиси академик Карим Аҳмедов ёшларга мурожаат қилиб, уруш даҳшатларини, бомбалар портлаши остида қанчадан-қанча шаҳару қишлоқлар вайроналарга айланиб, миллион-миллион кишилар бегуноҳ ўлиб кетганлигини ачиниб эслади. Ўз сувимизни ичиб, нонимизни еб, бизни кўра олмаган душманларимизга эргашган бир тўда ғаламисларга муносиб жазо берилишини талаб қилди. Ҳар бир инсон ўз қадр-қимматини англаши, уни ерга урадиганларга зарба бериши, Ватан туйғусини ҳар дақиқада эслаб турадиган бўлиши кераклигини уқтиради ўз сўзида умумтехника факултети декани доцент Шавкат Нуриллаев. «Умид» жамғармаси орқали АҚШга ўқишга кетишга тайёргарлик кўраётган иккинчи курс талабаси Жўра Мирзамаҳмудов, аълочи талабалардан Ойбек Шокиров, Севара Носирова ва бошқалар ғанимларнинг юртбошимизга суиқасд қилиб, аҳил халқимиз орасига низо, разолат солмоқчи бўлишганини, аммо шармандалари чиқиб эндиликда «сичқоннинг ини минг танга бўлиб» номардларча қайси тешикларга беркиниб юрганликларини қораладилар. Улар бундан буён янада яхши ўқишлари, аъло хулқ ва жамоат ишларида фаол қатнашишлари билан ҳурматли Президентимиз атрофида янада жипсроқ бўлиб ҳаракатланишга сўз бердилар. Улар ҳушёр бўлиш, огоҳлик ва сергаклик ёшларнинг доимий йўлдоши бўлиб қолишига ишонч билдиришди.

Жамоамиз Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг: «Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъвати қалбларимизда ҳамиша бонг уриб туриши кераклигини англаб, миллий кадрлар етиштириш ишида қатъий туриб меҳнат қилмоқда.

**Асқар ОРТИҚОВ,**
**Тошкент кимё-технология институти озиқ-овқат факультети декани, техника фанлари доктори, профессор,**
**Қудрат АҲМЕДОВ,**
**институт умумий ва аналитик кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор, олий таълим аълочиси**



**Бу ниҳол яқинда гуллайди чунон,**
**Унинг эгаси ҳам боғбони инсон!**

## САБОТ

Феврал ойида бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар бутун мамлакатни ларзага солди. Президентимизнинг оқил сиёсати туфайли эришилган Ўзбекистон мустақиллигининг энг қадрли ютуғи — халқимиз тинчлигига зиён келтирилди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик айрим ғаламис кучларга ёқмади, шекилли. Шунинг учун ҳам улар мамлакат Президенти жонига суиқасд уюштирдилар.

Кутилганидек, ўзбек халқи мана шундай оғир ҳолатда ҳам саросимага тушмади, жуда кучли сабот кўрсатди, ўз Президентига содиқлигини намойиш этди.

Террористлар ва уларнинг тарафдорлари томонидан Президентга уюштирилган суиқасдни Ўзбекистон халқига, унинг мустақиллигига, бизнинг келажагимизга бўлган суиқасд сифатида қараш керак.

Тошкентда террористик ҳаракатларни амалга оширганлар нотўғри йўлга, нотўғри ақидага илашиб қолган мутаассиблардир. Шубҳа йўқки, уларнинг ҳаммаси қўлга олинади ва қилмишларига яраша адолатли жазоланадилар. Лекин ўз-ўзидан шундай савол туғилади: нима учун булар шундай қабиҳ ишга қўл уришди? Ахир, улар ўзимизнинг ўзбек оилаларида туғилишган, ўзимизнинг мактабларимиз ва олий даргоҳларимизда таълим олишган, ниҳоят, ўз орамизда, маҳаллаларда яшашган-ку? Бу ҳодиса ҳали бизда оилада, мактабларда, олий ўқув юртларида, маҳаллаларда ғоявий-ахлоқий тарбия масалаларида кўпгина жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Президент ўзларининг чиқишларида ёшларимизни ҳеч кимга бермасликларини, улар ўз фарзандларидай эканлигини такрор ва такрор қайд этдилар. Биз ҳаммамиз фарзандларимиз тарбияси билан жиддий шуғулланишимиз лозим, акс ҳолда биз Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини анча орқага суриб қўйишимиз мумкин.

Ўз Ватанига нисбатан содиқ, фидойи бўлган ёшлар мамлакатимизнинг миллий тикланишини амалга оширишга қодирдирлар, бу эса Ўзбекистон мустақил ривожланишининг асосий вазифаларидан биридир.

Террористик ҳаракат ташкилотчилари кўп нарсага умид қилган эдилар. Бироқ улар на Президентни, на ўзбек халқини таҳликага сола олдилар. Аксинча, халқ бамайлихотирлик, беғамлик кайфиятидан уйғонди, жуда эҳтиёткор ва сергак бўлди, ва энг муҳими, Президент атрофида янада жипслашди. Бугунги энг асосий вазифа террор ташкилотчиларини топиш ва уларни одил жазолашдир. Бегона ўтни таг-томири билан суғуриб ташлаш керак.

**Озод ОТА-МИРЗАЕВ,**
**профессор**

## ОГОҲЛИК САБОҒИ

Шу йил 16 феврал куни жумҳуриятимиз пойтахтида рўй берган машъум воқеалар бутун халқимиз қатори ёш авлод таълим-тарбиясига масъул бўлган биз ўқитувчиларни ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди.

Хўш, бу террорчилик ҳаракатининг бош ташкилотчилари кимлар эди? Уларнинг асло кечириб бўлмайдиган қабиҳликка қўл уришдан асл мақсадлари нима эди? Юртбошимизга суиқасд уюштириш орқали оддий одамларни қўрқитишми? Тинч меҳнат ва ижод билан машғул юртимиз ҳаётини издан чиқаришми?

Албатта, ҳали вақти-соати келади — бу янглиғ аччиқ саволларга аниқ жавоб топилади. Негаки, бу қайтар дунёда ҳеч нарса — яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам изсиз кетмайди. Ҳар ким нимаики топса, ўзидан топади. Ёмонлик ва адоват уруғини сочган одам ҳам ўз қилмиши самарасини ўради.

Бу — табиий! Лекин мени бошқа бир ўй-фикр кўпроқ изтиробга солади: ғанимлар-ку, ўз номи билан ғаним. Ёвуз кимсалардан ҳаргиз яхшилик, меҳр-мурувват кутиб бўлмайди. Аммо душманга разил ниятларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашганларни нима жин урди? Ахир, улар бизга етти ёт бегоналар эмас, аслида ўз миллатимиз вакиллари-ку! Бас, шундай экан, нима учун ғаламислар қутқусига учдилар? Қандай мақсадда халқимизга қарши қўл кўтардилар? Бу билан фақат ўз ҳаётларини барбод қилдиларми? Йўқ, ота-оналари, ёру биродарлари юзини ҳам тоабад ерга қаратдилар, миллатимиз шаънига иснод келтирдилар.

Начора, сигирнинг оласи ташида, одамнинг оласи ичида бўлади. Биз бу оддий ҳақиқатни зинҳор-базинҳор унутмаслигимиз, бегуноҳлар қони тўкилган фожиадан тегишли сабоқ чиқариб олишимиз шарт! Энг аввало, ёшларимизни ҳар жиҳатдан билимли, баркамол инсонлар қилиб тарбияламоғимиз, улар онгига мудом эл-юртга муҳаббат, Ватанга садоқат ғояларини сингдириб бормоғимиз зарур. Токи, юртбошимиз бот-бот уқтирганидек, фарзандларимиз биздан кўра ақлли, илмли ва маърифатли бўлсинлар. Мавриди келганда, Халқ, Миллат ва Ватан каби муқаддас тушунчаларни нотўғри талқин қилувчи, Истиқлолимиз ва Мустақиллигимиз ғояларига тескари тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борувчи жоҳил кимсаларга ўз ўрнида ва ўз вақтида кескин зарба бера олсинлар.

Қадимги тошбитиклардан бирига «Беклар илмсиз бўлганликлари боис алдандилар» деган сўзлар муҳрланган. Шу тариқа билимсизлиги, маънавият ва маърифатдан йироқлиги оқибатида ўз Ватанини босқинчилар қўлига топшириб қўйган туб жой аҳолиси айбланган.

Ишончим комилки, биз бундай хатоларни такрорламаймиз. Эркимизни, ҳақ-ҳуқуқимизни, ўзлигимизни бегоналар қўлига ишониб топширмаймиз. Чунки Истиқлолнинг ойдин йўлидан дадил одим отаётган мамлакатимизда ёшларимизнинг эркин-эмин ўсиб-улғайишлари,пухта билим олишлари, ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Энг муҳими, ўғил-қизларимизда дунёни англашга иштиёқ, амалга ошираётган ишларимиз самарасига қатъий ишонч бор. Ўтган ҳафта лицейимизда «Халқ сўзи»да эълон қилинган «Феврал воқеалари» мақоласи муҳокамасига бағишлаб ўтказилган очиқ дарслар чоғи бунга яна бир бор амин бўлдим. Бу мулоқотлар, назаримда, «Огоҳлик сабоғи»га айланиб кетгандай бўлиб туюлди. Мен жумладан ўзим раҳбарлик қилаётган 11-»Б» синф ўқувчиларининг гап-сўзларини, теран мулоҳазаларини тингларканман, қалбим ғурурга тўлди. Шунда қатъий бир хулосага келдим: «Ўтмиши буюк, келажаги ёрқин халқнинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди. Ёшлари ҳушёр ва синчков, дадил ва журъатли, изланувчан ва ҳаракатчан миллатнинг йўлини тўсиб, иродасини букиб бўлмайди!»

**Дилором ҲАЙДАРОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 300-лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

## БУ ҚЎПОРУВЧИЛИК ЎТМИШНИ ЭСЛАТДИ

Дилимдаги сўнгсиз саволларга жавоб излаб, воқеанинг ижтимоий илдизларига разм соламан. Мустабидлик тузумидаги қатлиомларда Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирийдек даҳо фарзандлари бўлган халқ нега уларни асрай олмади? Ўша даврдаги ўз раҳбарларини нега кечувда зўрлаб алмаштиришларига томошабин бўлиб турди? Ўзбекистон номини улуғлаган не-не адиблар нега тинимсиз таъқибларга учрадилар? Ўзбек халқи истиқлолгача бўлган даврда нега бу қадар камситилди? Ҳатто таълим дарсликларининг шаклу шамойили, мазмун-моҳиятигача нега фарқланди? Қишлоқ мактабларининг ўқувчилари бир ўқув йилида атиги уч-уч ярим ой ўқиб, қўйингки, ҳатто «энг улуғ байрам» аталган инқилоб кунлари ҳам «далада байрам» деган баҳона билан ишдан бўшатилмади? Заҳри қотил — дефолиант, десекантларни дала меҳнаткашлари устидан «билмай» сепиб юборганлар ёки яна шу пайкалларга «суръат»ни пасайтирмаслик учун эртасигаёқ ҳашарчиларни қўшиб ҳайдаб киритганлар ўз қилмишлари учун нега ҳеч қачон жавоб бермадилар? Ва ниҳоят маҳаллий миллат ичидан не азобларда етишиб чиққан халқпарвар кадрлар нега муттасил «тозаланиб», «қиртишлаб» турилди? Минг азобу уқубат билан қишлоқ мактабларини битирган йигит-қизларга фуқаролик паспорти олиш учун қишлоқ кенгашларида маълумотнома беришни норасмий тарзда ўша пайтда нега таъқиқлаган эдилар? Бу қишлоқ ёшларини ўз қишлоғига бир умр қул қилиб боғлаб бериш эмасмиди? Куни кеча — 1989 йилда Фарғона шаҳар саркотиби Лихолат қишлоқдан шаҳар корхоналарига ишга олмасликни ўз қарори билан ман қилганлигини қандай баҳолаш, қандай кечириш мумкин? Ҳатто шаҳар, район ва област бош даргоҳлари биноларига ўша замонлар қаттиқ ҳадик билан қараганларимиз энди ёдимиздан чиқдими? Ислом олами уламоларининг қулоғи азон, пешонаси меҳроб кўрмай беркиниб, ибодат қилганликларини унутиб бўладими? Ёхуд кун-ун далада меҳнат қилиб, яна бир ёки бир неча метр пахта майдонида сув кўллаб қолгани учун сувчилар Мирзачўлга кўчирма қилинганликларини унутиб бўладими? Буларнинг барчасига батамом хотима берган, дини, тили, миллий давлати бўлган «халқни — халқ, миллатни-миллат қилиб», асорат ботқоғидан маънавият ва маърифат осмонига олиб чиққан ахир ким? Аввало Яратган, Ўзи берган юртбошимиз раҳнамолигида эришилган мустақиллик, эрк, озодлик, тинчлик, тотувлик ималигини бугун ким идрок этмайди? Булар қадрини қорни билан ўлчовчилар, инсон деб аташга тил бормайдиган, ўз манфаати учун наинки ота-онаси, балки муқаддас Ватани, миллатини ва миллий манфаатларини сотганлар. Ҳа, бебаҳо замонимизда тилларанг бошоқлар ҳам «қаровсиз қолса» улар орасида бадбўй алафлар ҳам ўсади. Шу йилнинг бошида хизмат сафари билан Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида бўлганимда оталар билан суҳбатда: «болам тинчлик, осойишталик деган сўзларни гапирар эканмизу маъносини тўла англаб етмас эканмиз. Қўшни Хўжанддаги нотинчликлар кўзимизни очди. Тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканлигини тўла англаб етдик. Биздан олдин ўтган боболаримиз: «Оч бўл, яланғоч бўл, лекин оч бўлсанг ҳам, тинч бўл» — деб бежиз айтмаган эканлар», деб юртбошимизга омонлик тилаганлари ёдимда. Мустақил Республика Президентига жаҳон андозалари бўйича муқобиллик асосида сайлов ўтказилганда, орамиздаги айрим сигаретини ҳам тилаб чекадиган вайсақилар таксиларга суратларини ёпиштириб, қандай изғиганлари кўз олдимдан ҳамон кетмайди.

Хўш, бу субутсизларни садақа билан ким таъминлаган? Демократия, ҳурфикрлик ҳуқуқига аввало фуқаролик бурчини бажарганларгина ҳақли бўлади, деган оддий тушунчани унутган, ўз нафси овораси учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр бу кимсаларни қайси шайтони лаъин йўлдан урди? 16 феврал воқеалари бизни муқаддас мақсадимиз манзиллари сари йўлимизда чақиртиканаклар ҳам учраб туришидан огоҳ этади. Юртбоши айтганларидек, «ғояга қарши фақат ғоя билан» очиқ, мардона курашга ҳамиша шай бўлиб туришимизни озод ҳаётимизнинг ўзи тақозо қилади. Барча илдизлар яна тарбияга боради. Негадир «ўсмирни» чорраҳадаги йўловчига ўхшатгим келади. Унинг ким бўлиши — кимга эргашишига боғлиқ. Ва яна ўз ортидан кимларни эргаштира олишига ҳам боғлиқ. Биз ёшларимизни мустақиллик, она-Ватанга муҳаббат, озодликни ҳар томонлама қадрлаш руҳида тарбиялашни бир зум ҳам назардан қочирмайлик.

**Омон ҲОШИМОВ**

**ФАРҒОНА**

## ЁВУЗЛИКНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ!

Зулматдан чиққан одам нур қадрини ҳаммадан ҳам яхшироқ билади. Ва энг асосийси, у зулматни нурдан зарра-заррасигача фарқлай олади. Биз узоқ йиллик истибдод зулматидан ўзини халос қилган, дунёқараши ёришган халқмиз, миллатмиз. «Феврал воқеалари» мақоласи юртга хиёнат иши — террор заминида яна бир зулмат доми, экстремизм илдизлари қандай чатишиб ётганлиги устида ҳаммани бирдай ўйлатади.

Ўқувчиларимиз ҳам бу хусусда ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Фарзандларимизнинг идроки тиниқ, фикрлари чақмоқдай, улар чиндан ҳам, истиқлол болалари, ёвуз кучларга нафрати гулдираб турибди. «Ёвузликнинг келажаги бўлмайди, биз ҳеч қачон уларники бўлмаймиз», — дейди улар. Демак, тарбиямиз акс-садо беряпти. Ватанимиз қанчалар ёруғ, мана шу ўсмир-ёшларимизнинг юрак порлашлари уни янада равшан этади.

**Зарафшон МАТЁҚУБОВА,**
**ўқитувчи**



**Деҳқон далага чиқди**

## Бир ўқ атрофида айланар дунё

**ШЕВАРНАДЗЕ ТОШКЕНТДА**

8 Март куни кечқурун Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе Тошкентга икки кунлик иш сафари билан келди. У Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашди. Икки мустақил мамлакат раҳбарлари терроризм, қўпорувчиликка қарши кураш, минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлиги, МДҲни ислоҳ қилиш муаммоларини муҳокама этадилар.

**ГЕНЕРАЛ ЎҒИРЛАНДИ**

Жума куни Россия ички ишлар вазирлигининг Грозниййдаги мухтор вакили генерал-майор Шпигун номаълум кишилар томонидан ўғирланди. Россия ички ишлар вазирлигининг маълумотича, ҳозир Чеченистонда 700та Россия ва 6 ажнабий давлат фуқаролари гаровда сақланяпти.

Генерал Шпигунни дала командири Шомил Басаев одамлари олиб қочган деган миш-мишлар юрибди. Чеченистон теварагидаги Россия қўшинлари жанговар ҳолатга келтирилди. Москва чегараларини ёпиб, иқтисодий қамал ҳақида сўз юритмоқда. Чеченистондаги Россия вакиллари бу ерни тарк этдилар.

**ЭСТОНИЯДА САЙЛОВЛАР**

Эстонияда умумий сайловлар бўлиб ўтди. Янги парламентда ўнг марказ иттифоқи кўпчилик ўринни эгаллади. Бу иттифоққа ислоҳотлар партияси, ота юрт партияси ва ўрта йўл партияси киради. Эстония конституциясига кўра мамлакат Президенти Ленарт Мери янги бош вазир номзодини кўрсатади ва унга ҳукуматни шакллантиришни топширади.

● Камчаткада жудда қаттиқ ер қимирлади. Қурбонлар йўқ.

● Қурд ишчи партиясининг ҳарбий қаноти ғалаёнчилари Ҳаккари вилоятида Туркия вертолётини кўчма зенит қурилмаси воситасида уриб туширдилар. 20 киши ҳалок бўлди. Чегара яқинидаги Улудара деган жойда жангарилар турк соқчи қисмига тўсатдан ҳужум қилдилар. 8 аскар ҳалок бўлди ва 11 киши жароҳат олди.

● Бангладешнинг ғарбидаги Жисур шаҳрида концерт чоғида икки бомба портлаб, олти киши ўлди, 200 киши яраланди. Полиция бу ваҳшийликни диний экстремистларнинг иши деб баҳоламоқда.

● Машҳур Америка кинорежиссёри Стенли Кубрик 70 ёшида қазо қилди. У «2001 йил коинот саргузаштлари», «Спартак», «Бурама норинж» сингари улуғ филмлар яратди. У кейинги йилларда «Кўзни катта очиб» деган филм устида ишламоқда эди.

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАМАСЛИК ЁВУЗЛИКДИР

## ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Республикамиз пойтахтида 16 февралда содир этилган мудҳиш воқеа — жиноятчилик оқибатидаги қалб жароҳатлари ҳар бир кишини ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза қилишга, таҳлил этишга ундайди. Унга муносабат билдириш, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг хулқи, хатти—ҳаракатида икки зид хислат — яхшилик ва ёмонлик, бунёдкорлик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик бирга яшаб келади. Бир қараганда булар абадийдек, гўё доимо бўлган ва шундай бўлиб қоладигандек кўринади. Аммо, шундайми? Инсоният нега бундай ёвузликка қарши курашда ожизлик ҳам қилмоқда? Кутилмаганда зарба бериш, қўпорувчилик, таҳдидлар уюштириш, ўзларининг энг қабиҳ ниятларини мамлакатнинг сиёсий етакчисига қаратиш — унга суиқасд қилиш орқали танланган тараққиёт йўлига раҳна солиш, халқлар онгида, тафаккурида ишончсизлик, умидсизлик, қўрқув ҳиссини уйғотиш, халқнинг мустақилликка, эркига бўлган сайи-ҳаракатидан қайтаришга ундаш, қонунга зид, хуфёна уринишларининг сабаблари нимадан иборат бўлиши мумкин?

Бундай уриниш иштирокчиларининг «социал-маънавий қиёфаси» қандай? Қандай тоифадаги инсонлар бундай қабиҳ ниятлар билан яшайдилар?

Улар кимлар? Қайси оиланинг фарзанди? Ватан, миллати борми? Туйғулари-чи? Ёки улар фарзандлик туйғуларидан маҳрум, ҳеч кимни танимайдиган ва тан олмайдиган манқуртлармi?

Мудҳиш воқеа мустақилликнинг 8-йилида содир бўлди. Демак, қўпорувчи кучлар, уларнинг ниятлари, мақсадларига мустақиллик ғояси, эркин, ўз хоҳиш-иродасига мос яшаш, Ўзбекистоннинг мустақиллик туфайли белгилаб олган ўзига хос тараққиёт йўли, бу йўлда эришилган ва эришилаётган ютуқлар, тенглик ва барқарор ҳаёт — яратувчилик, бунёдкорлик ишлари маъқул эмас, улар ҳавас ва фахр туйғусининг ўрнини ҳасад эгаллаган кимсалардир.

Уларнинг қалбларини чулғаб олган ҳасад, нафс балоси, ўз манфаатининг қули бўлиш, мудроқлик иллати шундай ёвуз ниятли кучлар билан бирлашишга ундаган. Ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириш учун энг қулай пайтни кутиб, Мустақиллик майдонида, мамлакат раҳбари ҳамда бошқа раҳбарлар жам бўлган жойни мўлжал олишлари уларнинг уюшганлик даражасини, ҳамда аниқ, сиёсий мақсадларни кўзлаганликларини кўрсатади.

Ҳаётда бахтли тасодифлар бўлади. Шундай тасодиф туфайли муҳтарам Президентимиз соғ-омон қолдилар, ёвуз кучлар қабиҳ ниятларига эриша олмадилар. Бу халқимизнинг бахти борлигини кўрсатади. Эзгулик, яхшилик яна ёвузлик устидан ғалаба қилди. Аммо, бу қабиҳ иш натижасида бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди, қалблар жароҳатланди. Айрим оилалар ўз яқинларидан жудо бўлди. Албатта, халқимиз, эл-юрт, мамлакат бундай пайтда ҳеч кимни якка қўймайди. Уларни қўллаб-қувватлайди, доимо бирга бўлади. Аммо, кўнгилга тинчлик бермайдиган иккинчи бир жиҳат шундан иборатки, бу қабиҳликни амалга оширишга ҳаракат қилган кимсаларнинг, Ўзбекистон, ўзбек халқининг фарзанди эканлиги, ўзбекка мансублиги?!

Сизу биз билан бир Ватанда яшаган, фақат, сиз билан биз — бу улуғ — кун — мустақилликни фахр билан кутганда, тантаналар қилганда, унинг ютуқларини кўриб фахрланганда бундай ёвуз кучлар эса аксинча «ич-ичидан ғайрга тўлган, ҳасадлари ортган, ўзлари сингари ота-онани танимайдиган, Ватан ва миллат туйғусидан маҳрум бўлган, манфаат учун унга истаган пайтда тош отиш, сотиш, ҳатто зўравонлик йўли билан йўқотишни кўзлаган бадният кимсалар билан тил бириктирганлар.

Душманнинг хавфлиси ҳам унинг ўз орангдан чиққани, сирдошлик қилиб «сир олганидир». Бундайларга хуфёна қўллайдиган, рағбатлантирадиган кимсалар эса, ҳам ота, ҳам она бўлиб кўринади. Уларнинг маҳалласи ҳам, Ватани, миллати ҳам унга сариқ чақа бериб, мадад бўлаётган, қўллаб-қувватлаётган, турли хил хомхаёлларга ундаётган, қуруқ ваъдалар бериб ёллаётган кимсалардир. Лекин, фожиа шундан иборатки, улар буни англай олиш фаҳм-фаросатидан, ақл-заковатидан аллақачон маҳрум бўлиб «қопқонга» тушган. У ёғи фақат ижро этиш ... ёки ... Уларнинг заиф жойи ҳам шундаки, улар танлаган йўл жиноят, мақсад эса сароб...

Бўлган воқеа, мустақилликни ва мустақил яшашни ёқтирмайдиган муайян, ёвуз ниятли кимсалар билан яшаб юрган гуруҳлар борлигини кўрсатади. Уларнинг мақсадлари аниқ, лекин «хатти-ҳаракатлари», улар яшаётган «инлари», ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари, маслакдошлари, зимдан қўллаб-қувватлаб турган кучлар, уларнинг таркиби тўла аниқ эмас. Улар фақат пинҳона фаолият кўрсатиш билан, ўрни келганда инсонийлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик, маҳалладошлик туйғуларидан ҳам ўзларининг ёвуз ниятлари йўлида фойдаланишда усталик қиладилар. Лоқайдлик, бефарқлик иллатлари ҳам ўрни келганда уларнинг фойдасига ишлайди. Бугун, бундайларга нисбатан лоқайд бўлиш мумкинми?

Кўриб кўрмасликка олиш ёки уларга бефарқлик билан қараш қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаш қийин эмаску? Бугун ким-кимга инсонийлик кўрсатаяпти, аввало унинг кимлигини билиш, суриштириш зурур эмасми?

Ўзбекистонга ҳамма хайриҳоҳ, ҳамма фақат дўстлик кўзи билан қарайди, бошқа ниятлари йўқ, фақат эзгулик, яхшилик қилиш керак дейиладиган бўлса, бундай фалсафа панд бериб қўйиши мумкинлигига яна бир бор иқрор бўлдик.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон очиқ демократик жамият қурмоқда. Дунё билан боғланди. Дунёда ўз ўрнига, салоҳиятига эга бўлиб бораётир. Аммо, мустақиллик берган имкониятлардан ҳамма ҳам фақат яхши ниятларда фойдаланмоқда деб ким кафолат беради?

Мақсадлар, мафкуралар ўртасидаги хилма-хиллик ўзаро курашларни содир этмоқда. Айтайлик, ислом дини ниқоби билан кириб келган турли хил экстремистик кучлар ҳаракатларининг асл мақсадлари нимадан иборат эканлиги маълум. Ёки «Иттифоқ»ни тиклаш хомхаёллари, унга бўлган айрим мойилликлар, «2» лик, «4» лик иттифоқига даъват этишлар қандай мақсадни кўзлаяпти? Бундай уринишлардан кўзланган мақсадни ҳамма ҳам тушуниб етяптими?

Кимларнингдир ана шуларнинг таъсирига тушиб қолаётганлигининг сабаби нимада? Фақат моддий қийинчиликлармi? Фақат моддий жиҳатдан қийналаётганлар, муҳтожлар шунга хайрихоҳ бўлаётирлармi? Буни ягона сабаб деб, унга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Балким, ҳаётни, яшаш маъноси ва мазмунини фақат моддият билан боғлаб тушунадиган, инсон қадр-қимматини ҳам, Ватан ва миллатини ҳам фақат «моддийлик» фалсафаси билан ўлчаётганлар, маънавиятдан йироқ, маънан қашшоқ, ҳали онги ва тафаккурида умуммақсад, миллий ғоя уйғонмаган, ўзлигини англамаган кимсалар адоват, ғашлик, ғалаён уруғини сочаётгандир.

Ҳаётда фақат «тирикчилик фалсафаси» билан яшаётган инсонни маънавий жиҳатдан комил, етук, ўзлигини англаган инсон деб бўлмайди. Маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаган, қалбида Ватан, миллат тақдирини ўз тақдири деб билмаган, ўзлигини тўла англамаган инсонлар билан кучли жамият қуриш мушкул. Ўзлигини англаган, ўз фалсафасига эга бўлган, эркин фикрлайдиган, салоҳиятли, Ватани ва халқининг ўтмиши, бугуни ҳамда истиқболи учун ўзини дахлдор деб билган, фидойи, шижоатли, қатъиятли, ўз қадри, орномусини ўзгалар қўлига, иродасига бериб қўйишдан номус қиладиган эркин инсонларга таяниб кучли жамият қуриш мумкин.

Бундай инсонлар ўзига ҳам бефарқ эмас, ўзгаларга ҳам лоқайд қарай олмайди. Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш, «менга нима ёки мен — сенга, сен — менга тегма» фалсафаси билан яшай олмайди. Мустақиллик даврида бундай яшаш гуноҳ. Халққа нисбатан, миллатга нисбатан, Ватан ва мустақиллик, унинг кечаги куни, бугуни ва истиқболи, эртанги авлод олдида ҳам гуноҳ.

Бугун онг ва тафаккур уйғонди. Уйғоқ тафаккур эгалари бу йўлда ҳамжиҳат бўлиб, фидокорлик кўрсатишлари мустақиллик талабидир. Мустақил ҳаёт фалсафаси ана шундай, ундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

А. Фитрат «Ватан менинг жону таним саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қибламҳамда гулистонимдир» деб ёзган экан. Ватанини ўйламаган, унга тажовуз қилишни ўзига эп кўрган кимсанинг вужуди — жонсиз, саждагоҳи ҳам, каъбаси ҳам, қибласи ҳам йўқ. Уни билмайди. Бундай кимсалар бу инсоний маънавий-руҳий оламдан ажралиб қолган «вужуд», холос.

Демак, ёвузлик, қабиҳ ниятли кишилар, ўзлигини англаш туйғусидан, Ватан миллатпарварлик ғояларидан маҳрум бўлган, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган худбинлик иллати негизида пайдо бўлади;

Иккинчидан, бундай одамлар доимо ўзида ожизлик сезади, яшашнинг энг қабиҳ, ёвуз йўлини танлайди. Ўзи сингариларга таянади, улардан мадад кутади; учинчидан, улуғ мақсадларга хайрихоҳ бўлмаган, ичдан мамлакатни заифлаштиришга уринувчи кучлар эса, айнан шундай кимсаларни излайди, улар билан шерикчилик қилади. Тўртинчидан, бугун ўзлигидан ажралиб қолган кимса, энди Ватан, миллат, ҳатто ота-она олдидаги фарзандлик бурчини ҳам унутади. Ўз хоҳиш-иродаси билан эмас, «ўзга ёвуз кучлар» таъсирида ишлай бошлайди. Маънавий заифлик ва қашшоқлик, ўзлигини унутиш, лоқайдлик уларни шу йўлга осонгина етаклаб боради.

Шундай экан, ҳар бир оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасалари ҳеч бир кишига бефарқ қарамаслик, ўз қобиғида яшамаслик чора-тадбирларини кўришлари зарур. Бу мамлакат олдидаги фуқаролик бурчини, ўз инсонийлигини англаб яшашга ўргатади, кучига — куч қўшади. Мамлакатда бефарқлик, лоқайдлик иллатлари қанча йўқ бўлса, у мамлакат шунча мустаҳкам бўлади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда теран, уйғоқ онг ва тафаккурга эга, соғлом фикрлайдиган, мустақилликни, эркинликни чуқур идрок этадиган, эл-юрт, мамлакат ва Ватан туйғуси баланд, миллатпарвар, фидойи инсонларнинг янги авлоди шаклланмоқда. Президентимиз фикрлари билан айтганда, «озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонлар»дир.

Мамлакатимиз ана шундай инсонлар билан кучли. Уларга таянган ҳолда улуғ мақсадларни, эзгу ишларни амалга оширмоқда.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

## БУРЧИМИЗНИ ЎТАЙМИЗ

**«Феврал воқеалари» мақоласи ва ОАВидаги жуда кўп бошқа чиқишлар, Президентимиз нутқлари барчани, шу жумладан, биз — милиция ходимларини ҳам қабиҳ қўпорувчилик ҳаракатлардан кўзланган ғараз мақсадларни янада чуқурроқ англашга, ушбу мудҳиш воқеа атрофида кенг, таҳлиллар билан мулоҳаза юритишга, ваҳшийликнинг сиёсий негизларига етиб боришга диққатимизни қаратади. Биз осойишталигини қўриқлаётган шу тоза замин — она-юрт одамларининг нафақат жисму жони, фароғатини, балки тафаккурини ҳам асраб-авайлаш зарурлигини ҳар қачонгидан кўпроқ ҳис қилиб турибмиз. Чиндан ҳам, Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида амалга оширилган истиқлол қадримизни англатди, ўз қадримизга тенг қилди, шу боис халқимиз тўғри фикрлайди, оқ-қорани ажрата билади, ҳар хил ёвуз кучларнинг қутқусига учиб кетавермайди. Ахир, эл назарида қадри йўқлар қилди бу ишни. Айни пайтда ҳаммамиз бирлашувда собит эканмиз, элимиз ёвуз кучларга қарши ички ишлар ходимлари билан бир фикрда, бир ҳаракатда, бир мақсадда турибди.**

**Биз бурчни англаш, бурчни аъло даражада ўташ Ватан муҳофазаси, тинчликни сақлашда нақадар муҳимлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Инсонга Ватан ишончини оқлашдан ҳам ортиқ саодат йўқ.**

**Анвар АЛИҚУЛОВ,**
**милиция лейтенанти**



## ДУОЙИБАД!

**Дуойибад деган сўз бор. Ёмон қарғиш дегани. Ота-онасига, юртига қарши борганлар ана шундай дуойибадга учрайдилар. Юртнинг тинчини бузганларга бундан ортиқ қисмат йўқ. Бойликка учиб, ўз элига қарши борган, ёлланган кимсаларнинг қора ниятлари эркни таниган озод кишиларимизнинг иродасига энди бас келолмайди, йўлдан чалғитолмайди.**

**Мен юртимизни эндигина мевага кираётган улкан бир мевали боғга қиёслайман. Биз бу боғга довул ораламаса деймиз. Лекин қора довул оралаб, баногоҳ битта-иккита дарахтни қулатиб кетса, бундан жонимиз оғрийди. Аммо ҳаёт боғи заволсиз. Улар бегуноҳ одамларга ўқ уздилар, афсуски, бир нечаси ҳаётдан кўз юмди, бир нечаси жароҳатланган.**

**Биз нафақат иқтисодий, балки кучли маънавий ислоҳотларни ҳам амалга ошираётган халқмиз. Ўзлигимизни англашда бу каби террорларни фарқлай билиш даражасига аллақачон эришганмиз, уларнинг мақсади аён. Президентимиз ёвуз кучларга «биз ёшларни бермаймиз» дедилар. Чиндан ҳам, шууримиз, заковатимиз шу Ватанни, истиқлолни деб турибди. Ақлимизда келажак порлаётир. Нурни зулматга алишмайдиган — қора қутқуларга берилмайдиган биз ёшларга Ватан ишонади.**

**Шерали НИШОНОВ,**
**талаба**



Пайвандни биз ҳам биламиз...

*Тарих ва тақдир*

# ...У КУНЛАРНИНГ ДОҒИ КЕТАРМИ?

Тошкентдан чиққан йўловчилар поезди Каттақўрғонга етганда тонг оқара бошлаган эди. Купеда ёлғиз келаётган Абдукарим Искандаров ҳарчанд кўзини юммасин, ухлай олмади. Унинг дили ғаш, бутун аъзои бадани қақшаб оғримоқда эди. Бир пас чўзилиб ётди. Бўлмади. Ўрнидан қўзғалиб, вагон ойнасидан ташқарини кузатди. Ғира-ширада дарахт, бино ва симёғочлар базўр кўзга ташланади. «Одам ҳам шунчалик паришон бўладими?» — ўзини ўзи койиди у — Хўш, қамашган бўлса, гуноҳи бордир-да. Беайб жазо беришмас».

Поезд Зирабулоққа яқинлашарди. Аммо у ҳамон хаёллар оғушида эди.

Энди босиб ўтган ҳаёт йўли бошида чарх ура бошладик: Ҳозир 1937 йилнинг сентябри. Атиги 38 ёшга кирибман, нима иш қилолдим-у, яна нималар қилишим керак?» У яна ёстиққа бош қўйди. Бу гал хаёли бироз тиниқлашиб, поезднинг бир маромдаги «таққа-тақи» фикрларини тартибга солгандай бўлди. У ҳам кўпга бормади, боз хаёлларга эрк берди: — «...Сталиннинг ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади деган шиори қаерда қолди? Нега етук кадрлар ҳибсга олинмоқда? Бу нима, ҳушёрликми? Эҳтиёткорликми? Ё ҳақиқатдан, атрофимизда халқ душманлари иш олиб бораётган экан-у бизни ғафлат босибдими!» — у узуқ-юлуқ фикрларини жамлашга уриниб кўрди. — Айни чоғда кишиларга «халқ душманлари» «заракунандалар», «сиёсий кўр» «буржуа миллатчилари», «сотқинлар» деган айблов тамғасини тақаш ҳеч гап бўлмай қолди. Наҳотки, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов... Ахир мен улар билан ёнма-ён вояга етдим, курашдим, ишладим-ку! Буни таржимаи ҳолим ҳам исботлаб турибди».

Абдукарим Искандаровнинг 1937 йил 7 июлда ўз қўли билан битган таржимаи ҳолидан баъзи қайдлар:

«1904 йилда Тошкент шаҳридаги Қашқар кўчасининг 85-уйида ҳунарманд оиласида туғилдим. Отам 1919 йилда вафот этган. 1915-16 йилларда рус-тузем мактабида, 1919—1924 йилларда мусиқа техникумида, сўнгра Ўрта Осиё комуниверситетида ўқидим. 1929 йилда шу университет аспирантурасининг биринчи курсини тугатгач, ишлай бошладим.

1929—1930 йилларда Эски шаҳар туман партия қўмитаси ташкилий бўлим мудири, Ўрта Осиё ипакчилик институти директори ўринбосари, А. Икромов номидаги 4-тери заводи партия қўмитаси масъул котиби бўлиб ишладим.

1931 йил январ ойида ЎзКП Марказқўми тавсияси билан Эски Бухоро туман, сўнг Фарғона шаҳар партия қўмиталари биринчи котиби бўлиб хизмат қилдим. 1932 йилда САКУ (Ўрта Осиё комуниверситети) директори ўринбосари этиб тайинландим.

1934 йил охирида Акмалобод (ҳозирги Ғиждувон) тумани партия ташкилотини тозалаш бўйича тузилган комиссияга аъзо қилиб юборилдим. 1935 йил 9 февралда Қизилтепа тумани ташкил топгач, ана шу янги туман партия қўмитаси биринчи котиблигига тавсия қилиндим».

...Қизилтепа тумани партия қўмитаси биринчи котиби Абдукарим Искандаров жумҳурият пойтахти Тошкент шаҳридан қайтмоқда эди, У Ўзбекистон КП(б) Марказқўми учинчи пленумида қатнашди. Ана шу пленумда Сталин ва Молотовнинг махсус хати ўқиб берилди. Хатда Ўзбекистон коммунистлари сардори Акмал Икромовга Файзулла Хўжаев бошчилигидаги буржуа миллатчиларига нисбатан сиёсий ожизлик қилгани ҳамда Бухарин билан алоқада бўлган, деб айб қўйилди. Шу пленумнинг ўзидаёқ махсус комиссия А. Икромовга қўйилган айбларни «шошилинч аниқлаб» чиқди ва у партиядан ўчирилиб, иши тергов органига топширилди.

Шахсга сиғиниш авжига чиққан ўша даврда «халқ душманлари», «Троцкийчи — бухаринчи хоинлар»ни ушлаб ҳибсга олиш оддий ишга айланиб қолганди. «Айбдорлар»нинг гуноҳкорлигига кўплар, жумладан А. Искандаров ҳам ишонмасди.

Поезд Зиёвуддин темир йўл бекатидан ўтганда вагон ойнасидан тушган қуёш нури купе ичини ёритиб турарди.

Афсуски, борлиққа ҳаёт, ёруғлик, иликлик инъом этувчи бу нур Искандаров дилини ёритишга гўё ожиз эди.

У яна ўзини қўлга олишга, нохуш хаёлларга беҳуда эрк бермасликка уринди. Бунинг учун аниқ режалар билан ўзини овутмоқчи, тўғрироғи, миясини банд қилмоқчи бўлди. Апил-тапил чиқиб ювиниб келди, кийинди.

Поезд манзилга шошмоқда. Ўнгда куз ҳавосидан сарғая бошлаган дала, гоҳ-гоҳ пахтазор кўзга ташланади. Чапда сувга зор дашту биёбон, ундан сал нарида ястаниб ётган Қарнаб тоғлари. Искандаров ойнадан атрофга маҳлиё бўлиб ўтирганда вагон навбатчиси кириб, иссиқ чой таклиф қилди. «Раҳмат ичгим йўқ» деган жавобдан кейин у қўшни купе томон йўналди. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтмай, номаълум бир киши купе эшигини очиб, ичкарига шубҳали назар ташлади. Искандаровнинг юраги нимагадир безовталана бошлади. У ўрнидан туриб, купедан чиқди. Бояги киши вагон навбатчиси билан гаплашмоқда эди.

Қизилтепагача ҳали бир соатдан кўпроқ вақт бор эди. Искандаров чўнтагидан ён дафтарчасини чиқариб, варақлай бошлади. Саҳифаларга кўз югуртириб дили ёришаётгандай бўлди, унда қуйидагилар ёзилган эди: «Бободўғи, Ванғози, Зармитан қишлоқларидаги ТЎМ (тўлиқсиз ўрта мактаб)лар учун янги бинолар қуриш». «МТСнинг боғдорчилик ҳосилоти. Низом Обидов бошчилигида Бўстон қишлоғида янги боғ барпо этиш». «Янги чорбоғ колхози пиллачиси Рашид бобо Мажидов тажрибасини туманда кенг ёйиш». «Экиш ерларини келгуси йилга тайёрлаш бўйича тадбирлар тузиш». Ён дафтарчада битилганларнинг айримлари амалга ошган эди. Шу боисданми, Искандаров уларга разм солганда жилмайиб қўярди.

Поезд бироз секинлашди. Қизилтепа темир йўл бекати кўриниб қолди. Искандаров дафтарчани чўнтагига солиб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганда купе эшиги очилиб, ҳалиги номаълум шахсга эргашиб яна икки киши кириб келди. Кутилмаган меҳмонлар бошлиғи қандайдир қоғозни чиқариб Искандаровга узатди. Искандаров қоғозга узоқ термулиб:

— Бу англашилмовчилик, — деди босиқлик билан.

Улар йўловчилар сийраклашиб қолган вагондан тушишлари ҳамоно Абдукарим Искандаровнинг қўлларига кишан солинди.

* * *

1937 йил, 11 октябрда Қизилтепа тумани маркази бўлган Бўстон қишлоғидаги клубда олий суди судлов коллегияси аъзолари туман партия қўмитаси биринчи котиби Абдукарим Искандаров, иккинчи котиб Раҳмат Аҳмедов, райижроқўм раиси Бозор Икромов, МТС директори Аҳмад Неъматов, тайёрлов комиссариатининг тумандаги вакили Нусрат Шарипов, МТС директори ўринбосари Аҳмад Асадов, Азизобод пахта қабул қилиш пункти мудири Қудрат Ортиқов, «Янги юриш» колхози раиси Файзи Отамуродов, Тошработдаги колхозлар бирлашган бошланғич партия ташкилотлари котиби Бобоқул Йўлдошевларнинг «жиноий» ишини кўришга киришди. Пала-партишлик билан юзаки ўтказилган тергов даврида қора курсига мажбуран ўтқазилганларга «халқ душмани», «миллатчи унсур», «Файзулла Хўжаевнинг думи» деган сохта айблар қўйилди.

Тошкент вилояти собиқ партия қўмитасининг архивидан топилган 1957 йил 12 июлдаги бюро мажлиси протоколи 19-пунктидан кўчирма: «Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссариати органлари томонидан 1937 йилда қамоққа олинган Абдукарим Искандаровни Қизилтепа туманида «Миллий иттиҳод» деб аталувчи аксилинқилобчи-миллатчи ташкилотини тузган, бу ташкилот 1935—1937 йиллар мобайнида пахтачилик тараққиётига халақит берган. Шу сабабли 1937 йил пахта терими суст, деб айблашган.»

Хуллас, 1937 йил 16 октябрда суд ҳукми ўқилади. Абдукарим Искандаров, Раҳмат Аҳмедов, Бозор Икромов, Нусрат Шарипов, Аҳмад Неъматовлар олий жазо — отувга, Аҳмад Асадов, Қудрат Ортиқов, Файзи Отамуродов ва Бобоқул Йўлдошевлар ҳар бири 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар...

* * *

Орадан йигирма йил ўтгач, ҳукм қалбаки бўлганлиги очилди. Айбсиз айбдорлар оқландилар.

1958 йил 1 декабрда Ўзбекистон Олий судидан олинган ҳужжатдан: «1937 йил 11—17 октябрда жазога тортилган Абдукарим Искандаровнинг айблов иши таркибида жиноят состави бўлмаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий суди Президиумининг 1956 йил, 10 ноябрдаги қарори билан бекор қилинган».

Ҳа, Абдукарим Искандаров айбсизлиги учун тўла оқланди. «Оқланди». Биргина шу сўз баъзан дилга таскин бергандек бўлади. Аммо бутун умрини армон билан кечирган марҳума Азиза опа, ота меҳрига зор вояга етган Кларахон Каримова, уларнинг яқин дўст-биродарлари чеккан ҳисобсиз азобларни оқлашнинг иложи борми? Бизнингча, йўқ!!! Фақат бугунги озод кунларда у кунларни хотирлаб, қиёслаб, бугунги кунимизга шукроналар айтиш имкони бор, холос. Бу эса мустақиллигимизни янада асраб-авайлашга чақиради.

**Умид САТТОРОВ,**
**меҳнат фахрийси**

# МИС ТАНГАДАГИ ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

*Илмий ахборот*

663/1264 йилда Самарқандда зарб қилинган мис тангани ўрганар экан, В. В. Бартольд унинг бир томонидаги «Самарқандда ичлаин ва ташлаин» (яъни Самарқанднинг ичи ва ташқарисида) эски ўзбек ёзувини қийналмасдан ўқиган. Аммо танганинг иккинчи томонидаги ёзув олимни кўп диққат қилган. Биринчи марта у танганинг иккинчи томонидаги матнни «Ялфағучи пок ва қутлуғ бўлғай» деб ўқийди. Ялфағучи сўзини олим мўғулча ҳисоблаб, маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчи шахс деб талқин қилади.

В. К. Трутовский танганинг иккинчи томонидаги матнни «Алағучи берк/барк ва қутлуғ бўлғай» деб ўқиган.

В. В. Бартольд учинчи марта ушбу матнни «кто не возьмет (т.е. не станет принимать этой монеты) будет преступником» деб, таржима қилган. Олим «олмағучи» сўзини тўғри ўқиш баробарида «преступник» — жиноятчи сўзини нотўғри ишлатади.

Тўртинчи марта ушбу матн қадимшунос З. А. Алхамова томонидан «Олмағучи (ушбу тангани) қул (наёмник) ва эрксиз (неволник) бўлғай» деб ўқийди.

Юз йилдан бери мунозара бўлиб келаётган ушбу матнни биз «Олмағучи йазуқлуқ (гуноҳкор) бўлғай», деб ўқишни маъқул кўрдик. Юқоридаги олимлар араб ёзувидаги йазуқлуқни йаз ва қулуғ сўзларидан ташкил топган деб талқин қилганлар. Аслида бу сўз йазуқ (гуноҳ) + луқ (қўшимча) дан ташкил топган.

Ушбу кичик ахборотдан асосий мақсад, баъзи олимларнинг ўзбеклар XVI асрда шаклланган деган фикрлари нотўғри эканлигини кўрсатишдан иборат эди. Модомики, ўзбеклар 663 ҳижрий йилда Самарқандда эски ўзбек тилида давлатнинг асосий атрибутларидан бири — пул, яъни мис танга зарб қилган бўлсалар, қандай қилиб ўзбек халқи XVI асрда шаклланган бўлади?! Ушбу мис танга бизга яна бир муҳим маълумот беради; ўн иккинчи ва ўн учинчи асрларда Самарқанд ва унинг атрофида эски ўзбек тили кенг истеъмолда бўлган.

**Эргаш УМАРОВ**



Сувлар шивир-шивир сирлашиб оқар,
Тошлар тош қотади мўъжизалардан!

# «ЖАНУБ ВАҚТИ» БИЛАН...

Сурхондарёликлар яна битта матбуот нашрига эга бўлдилар. «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятига қарашли янги «Жануб вақти» рўзномаси 3000 нусхада чоп этила бошлади.

— Бизнинг асосий йўналишимиз — фикрлар эркинлиги, — дейди газета муҳаррири Чори Жумақулов. — Мақсадимиз 8 соат иш столини қўриқлаб ўтириш эмас, аксинча, эркин ижодий муҳит яратиш, таҳририят ва қаламкашларни талабчанлик, янгилик ва изланишларга даъват этиш.

Дарҳақиқат, 8 саҳифалик «Жануб вақти»ни варақлар экансиз, Сурхондарёда яна битта соф маънавий рақобатга кириша оладиган қизиқарли газета пайдо бўлганлигига ишончингиз ортади.

Газета ўз атрофига Б. Олломуродов, Н. Сўфиев сингари воҳанинг иқтидорли шоир ва журналистларини жам этган. Сурхондарёнинг ечимини кутаётган муаммоларни кўтаришда «Жануб вақти» таҳририяти замон талаблари даражасида ишлайди, деб умид билдирамиз.

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД**
**Сурхондарё вилояти**

